ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Саидов Азамат Исмоилович

ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 304.3:159.922.4:17(575.1)

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора психологических наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Psychological Sciences (DSc)

Саидов Азамат Исмоилович
Оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари 3

Саидов Азамат Исмоилович
Социально-психологические особенности формирования представлений молодёжи о здоровом образе жизни в семье 35

Saidov Azamat Ismoilovich
Socio-psychological features of the formation of young peoele's ideas about a healthy lifestyle in the family 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 70

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ АЗАМАТ ИСМОИЛОВИЧ

ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DS/P34 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Умаров Бахриддин Менгбоевич,** психология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Абдуллаева Шоира Хамидовна,** психология фанлари доктори, профессор
	Самаров Рустамжон Садриддинович, фалсафа фанлари доктори, профессор
	Муминова Лола Рахимовна, педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 255-80-86; факс: (99871) 256-76-51, e-mail: tdpu kengash@edu.uz Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Маъмурий биноси, 2-қават, 4 анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. ТДПУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 255-80-86; факс: (99871) 256-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «____»_____да тарқатилди.
(2022 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Б.Шоумаров
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш раиси,
психология фанлари доктори, профессор
Х.А.Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш котиби,
психология фанлари номзоди, доцент
В.М.Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси,
психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолининг психологик соғлиғи, жисмоний саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражасини ошириш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом турмуш тарзини аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, ёшлар ўртасида носоғлом турмуш тарзини кечириш, жумладан, тамаки чекиш, спиртли ичимликларга берилиш иллатларининг ортиб бораётганлиги оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Соғлом турмуш тарзини барқарор қадрият сифатида шакллантириш, ёш авлоднинг саломатликка онгли муносабатини таркиб топтириш, тиббиёт, педагогика ҳамда психология соҳасидаги йирик лойиҳаларни татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда шаҳар аҳолиси, айниқса мегаполислар аҳолиси соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг янги моделларини яратиш, ёшларни турли тиббий ва ижтимоий таҳдидлар, зарарли иллатлар, хусусан, наркомания, токсикомания, алкоголизм, ОИВ, ОИТС касалликларидан ҳимоя қилиш, ёшларнинг тиббий-маънавий саводхонлигини ошириш, санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, жамиятда маънавий қадриятларни тиклашга доир илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, аҳоли, айниқса ёшлар онгида соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларни оилада шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларини узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари асосида шакллантиришнинг психологик механизмларини фалсафий, психологик, педагогик, ижтимоий ёндашув асосида такомиллаштириш тизимини ишлаб чиқиш, баркамол авлодни тарбиялашда таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, оилада ёшларнинг соғлом психологик турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиришда маҳалла, таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янада кучайтириш психология фани олдидаги долзарб масалалардан бири сифатида қаралиб, бу борадаги илмий-тадқиқот ишлари олиб боришнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Республикамизда 5 ёшгача болалар, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизимини жорий этиш”[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида.

устувор вазифалар этиб белгиланган. Бу борада оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик мезон ва кўрсаткичларини аниқлаштириш, оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик, ҳудудий, этнопсихологик омилларини ўрганиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли онгида соғлом турмуш тарзига оид ижтимоий-психологик тасаввур ва установкаларни шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш, уларни оилада жорий қилишнинг психологик имкониятлари кенгайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2] Оилада ёшларнинг соғлом ҳаёт кечириш фалсафаси, методологик ва услубий асосларини такомиллаштириш, уни объектив баҳолаш мезон ва даражаларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар Seoul National University Centre for Health Systems Research, KOSHA (Жанубий Корея), JOICFP, JSHEP (Япония); School of Public Health and Primary Care, Peking Union Medical

---

ПФ-6155-сон. 2021 йил 3 февраль. https://lex.uz/docs/5260791

[2] Health Technologies Coalition, International Life Sciences Institute, HPRC; Database of Internet Resources in Public Health the Department of Health of England, BrightonUniversity, AYPH (Буюк Британия) ва Федерал соғликни сақлаш маркази, Гигиена тадқиқотлари ва амалиёти маркази, SDU (Россия) материаллари асосида амалга оширилди Мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар Халқаро психология академияси (МАПН) (http://rusacademedu.ru); Сеул миллий университети Seoul National University Centre for Health Systems Research, KOSHA (Жанубий Корея), JOICFP,JSHEP (Япония); School of Public Health and Primary Care, Peking Union Medical College and School of Public Health, (XXP); SOPHE, ERIC, AAPAC, NIH, NHC, NHIC, CAHA, CHHCS, Global.

College and School of Public Health, (XXP); SOPHE, ERIC, AAPAC, NIH, NHC, NHIC, CAHA, CHHCS, Global Health Technologies Coalition, International Life Sciences Institute, HPRC; Database of Internet Resources in Public Health the Department of Health of England, BrightonUniversity, AYPH (Буюк Британия) ва Федератив саломатлик маркази, Гигиена илмий-амалий маркази СДУ (Россия) каби етакчи олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларида олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантириш муаммоси бўйича, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинди: ёшлар ўртасида суициднинг олдини олиш, руҳий саломатлик ҳақидаги билимлардан хабардорлигини ошириш мақсадида ёшлар соғлигини сақлаш дастури ишлаб чиқилган (Seoul National University Centre for Health Systems Research, KOSHA, KASP); соғлом турмуш тарзига оид илмий ва методик материаллар яратилган, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларини шаклланитириш бўйича саломатлик рейтинглари асослари аниқланган (JOICFP, JSHEP); соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишида анъанавий тиббиёт билан замонавий Европа тиббиёти ютуқлари ўзаро мувофиқлаштирилган, миллий спорт ва жисмоний тарбиянинг ҳар бир шахсда ўз саломатлигига муносабатини ўзгартириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилада соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги қадриятларни қайта тиклаш ва такомиллаштириш кабиларнинг илмий асослари тарғиб этилган (School of Public Health and Primary Care, Peking Union Medical College and School of Public Health); соғлом турмуш тарзи (Healthy Lifestyle), инсон саломатлиги муҳофазаси ва саломатликни мустаҳкамлаш (Health Promotion) ва саломатлик психологияси (Health Education) бўйича стандартлар яратилган ҳамда уларнинг психологик мазмуни такомиллаштирилган (SOPHE, ERIC, AAPAC, NIH, NHC, NHIC, CAHA, CHHCS, Global Health Technologies Coalition, International Life Sciences Institute, HPRC); ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш, фаровонлигини таъминлаш, ўзгаришларни таҳлил қилиш дастури ишлаб чиқилган (Database of Internet Resources in Public Health the Department of Health of England, BrightonUniversity, AYPH); болалар ва ўсмирларнинг ижтимоийлашуви жиҳатидан соғлом турмуш тарзига оид тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-биологик, ижтимоий-психологик ва психологик-педагогик асослари ишлаб чиқилган (Федерал саломатлик маркази, Гигиена илмий-амалий маркази).

Дунёда ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тассаввурларини оилада шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг психологик компонентларини такомиллаштириш, оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишига имконият яратувчи психологик муҳитни яратиш, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишида ота-оналарнинг фарзандларга ибрат ва намуна сифатидаги таъсири, оиладаги шахслараро муносабатлар барқарорлиги ва оилада

ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишида миллий қадриятларнинг ўрни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг маънавий-маърифий жиҳатлари, этнопсихологик омилларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари изланишлари ва кашфиётларида инсонларни одобли, меҳнатсевар, ватанпарвар, соғлом, бақувват қилиб тарбиялаш йўл-йўриқларини кўрсатиб ўтилган. Мусо ал-Хоразмий (783-850), Аҳмад ал-Фарғоний, (797-865), Мирзо Улуғбек (1394-1449), файласуф ва ҳуқуқшунослар Абу Наср Форобий (873-950), Имом ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892), Бурхониддин ал-Марғиноний (1123-1197), қомусий олимлар Абу Райҳон Беруний (973-1048), ибн Сино (980-1037), тарихчи ва шоирлар Маҳмуд Қошғарий (XI аср) Юсуб хос Ҳожиб (XI аср), Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144), Алишер Навоий (1441-1501), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ва бошқаларнинг ёшлар хушахлоқлилиги, одоби, соғлом турмуш тарзи ҳақидаги бизга қолдирган бой меросларі фикримизга асос бўлади. Фарзанд тарбияси, ёшлар хулқ-атворидаги гўзал фазилатлар муаммоси азалдан маърифатпарвар аждодларимиз маънавий меросининг мазмунини ташкил этган. Жумладан, Юсуб Хос Хожибнинг “Қутадуғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббатул - ҳақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулуб” ва “Назмул жавоҳир”, Саъдийнинг “Гулистон” каби қимматли асарларида ёш авлод тарбияси, уларнинг турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий қиёфаси тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилади.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологияси ва соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш муаммолари мамлакатимиз олимлари томонидан кенг ўрганилган. Психолог олимлардан: М.Давлетшин, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров В.Каримова, З.Нишонова, Н.Сафаев, А.Жабборов, Б.Умаров, М.Карамян, У.Қодиров, Н.Камилова, Н.Соғинов, О.Авлаев, С.Мирзаевалар ёшларда соғлом турмуш тарзи, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишида таьлим-тарбиянинг ўрни, унинг психологик хусусиятлари, ёшлар тарбиясига ижтимоий муҳит ва жамоатчилик таъсирининг психологик жиҳатлари[3]; Т.Абдуллаева, И.Жабборов, Қ.Назаров, Д.Рахимбоева, М.Хайруллаев, М.Холматова, П.Худойбергенова, Х.Шайхова, Э.Юсупов, Н.Ўринбоев, З.Қодирова ва бошқалар соғлом турмуш тарзи маданияти, шахс маънавияти, маданияти, унинг ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий маданиятнинг роли, соғлом тафаккур тарзи билан соғлом тарбия тизимини такомиллаштириб бориш ғоялари, ёшлар камолотида соғлом турмуш тарзининг ўрни, соғлом

[3] Давлетшин М.Г., Шоумаров Г.Б. Замонавий ўзбек оиласининг психологик хусусиятлари. - Тошкент, 1993; Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар: Автореф. дис. ... психол. фан. номз. 1994; Согинов Н.А.Ёшларни оилавий хаётга тайёрлаш соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир. -Тошкент, 1996.- 168 б.; Ғозиев Э. Психология (Ёш даврлар психологияси). - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 224 б.; Карамян М.Х. Шахснинг саломатликка қадрият сифатидаги муносабатининг ижтимоий-психологик детерминацияси. Психология фанлари доктори (dsc) диссертацияси. Т.:2019 йил.

турмуш тарзи ва унинг фалсафий жиҳатларини; Р.Джураев, Х.Ибрагимов, Г.Ибрагимова, З.Исмоилова, С.Йўлдошева, У.Махкамов, А.Мунавваров, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Ш.Шарипов, Д.Шарипова, Н.Эгамбердиева кабилар шахснинг соғлом турмуш тарзини маънавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида илмий-педагогик тадқиқ этган[4].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари А.Ф.Георгиевский, П.Л.Дрибинский, А.Д.Дубачай, Т.В.Каменская, А.Д.Карабашева, Е.А.Меньш, Г.П.Новикова, Е.А.Пипко, Г.М.Популо, О.А.Пласкина ва бошқалар томонидан ёшларнинг соғлом турмуш тарзига оид тасаввурлари шаклланиши муаммоси илмий, педагогик-психологик жиҳатдан ўрганилган[5].

Хориж тадқиқотчиларидан Келли Макгонигал, Рэй Курцвейл, Терри Гроссман, Ш.Стивенсон, Richard Tillett, M. Fishbein, H.Triandis, F.Kanfer, J.Fries, D.Harris, S.Guten, S.Maddi, S.Kobasa кабилар соғлом турмуш тарзи психологияси, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оила ва ижтимоий муҳитнинг ўрни, зарарли одатларга берилиш психологияси, соғлиқни

---

[4] Абдуллаева Т.У. Национальное и интернациональное в сфере быта. - Тошкент: Фан, 1991.; Жабборов И.Ўзбек халқи этнографияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 320 б.; Назаров К.Н. Қадриятлар тизими барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси: акмеологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. Дис....фал. фан. д-ри. - Тошкент, 1995. - 311 б.; Рахимбоева Д.А. Семейно-бытовые традиции в формировании национального самосмознания молодёжи (на материалах Республики Узбекистан): Автореф. дис. канд. филос. наук. - Тошкент, 1993. -154 с.; Хайруллаев М.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Узбекистан, 1995. - 240 б.; Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Худойбергенова П.Т. Миллий турмуш тарзи, унинг мустакиллик йилларида тараккиёт хусусиятлари: Дис....фал.фан. номз. - Тошкент, 2005.- 169 б.; Шайхова Х. Соглом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. - Тошкент: Фалсафа ва хукук института нашриёти, 2008. - 60 б.; Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Тошкент: Университет, 1998. - 184 б.; Уринбоев Н.У. Барқарор тараққиётни таьминлашда соғлом турмуш тарзининг ўрни. Автореф. дис. ... фал. фан. номз. - Т., 2005. - 23 б.; Кадырова З. Проблемы повышения социальной активности молодёжи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. Дис. ... д-ра. филос. наук. -Тошкент, 2001; Жамолиддинова О. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш. Автореф. дис. ...пед. фан. доктори. - Т., 2015. - 78 б.; Иномова М. Оилада болаларни маънавий- ахлокий тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Дис. ...пед. фан. д-ри. - Т., 1998. - 316 б.; Йулдошева С. Ўзбекистонда соғлом авлодни маънавий тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик асослари: Дис. ... пед. фан. номз. - Тошкент, 2001.-119 б.; Махкамов У. Юқори синф укувчиларида ахлокий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик асослари: Дис. ... пед. фан. д-ри. -Тошкент, 1998. - 286 б.; Мунавваров А. Оила педагогикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 112 б.; Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик асослари: Дис. ... пед. фан. д-ри. - Тошкент, 1993. - 364 б.; Рискулова К. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда нодавлат ташкилотларнинг хамкорлиги: Автореф. дис. ... пед. фан. номз.- Тошкент, 2011. - 21 б.; Турсунов С. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида “соғломлаштириш мактаби” педагогик тизимини ривожлантириш: Дис. ... пед. фан. д-ри. - Тошкент, 2011. - 343 б.; Шарипова Д. Научные основы гигиенического воспитания обучающихся: Автореф. дис. ... д-ра пед. наук. -Тошкент, 1990;

[5] Георгиевский А.Ф. Формирование культуры здорового образа жизни младших подростков в общеобразовательных учреждениях: Дис. ... канд. пед. наук. - М.: 2009. -143 с.; Дрибинский П.Л. Педагогические условия формирования ценностного отношения к здоровью у детей младшего и среднего школьного возраста. - Смоленск, 2009. - 241 с.; Каменская Т.В. Развитие культуры здоровья детей дошкольного возраста: Дис. ... канд. пед. наук. - С-Петербург, 2007. - 276 с.; Карабашева А.Д. Формирование здоровьесберегающих компетенций у старшеклассников общеобразовательной школы: Дис.... канд. пед. наук. - Карач.: 2009. - 188 с.; Меньш Е.А. Формирование ценностного отношения студентов к здоровьюсредствами межкультурной коммуникации: дис. ... канд. пед. наук. - Тюмень, 2010. - 246 с.; Популо Г. М. Педагогические условия формирования здорового образа жизни студентов в зависимости от характерологических свойств личности: Дис. ... канд. пед. наук. - Самара, 2006. - 173 с.; Плаксина О. А. Формирование ценностного отношения к здорового образа жизни у студентов педагогических специальностей университета: Дис ... канд. пед. наук: - Рязань, 2008. - 298 с.

сақлашда ироданинг ўрни, соғлом турмуш тарзига муносабат психологиясининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтининг ИТД-1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган (2016-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик ва этнопсихологик омиллари: оилада соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг мотивацион асослари, соғлом турмуш тарзига психологик муносабатнинг намоён бўлиши, ота-оналарнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишида намуна ва ўрнак тарзидаги таъсирини аниқлаш;

шахс руҳий саломатлигининг оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишидаги ўрнини аниқлаш;

шахснинг ўз саломатлиги ва ота-она ҳамда бола муносабатларининг ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишига таъсирини ўрганиш;

ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг маънавий-маърифий ва тиббий-психологик омилларини таҳлил қилиш;

ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тассаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари белгиланиб, тажриба-синовда Самарқанд, Навоий, Сурхондарё вилоятларидан 80 нафар 11-12 ёшдаги илк ўсмирлик ёшидаги, 240 нафар 13-15 ёшдаги ўсмир, 130 нафар ўспирин ва 120 нафар ота-она қатнашди.

Тадқиқотнинг предметини оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тассаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, ҳудудий ва этнопсихологик омиллари ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Дерябо ва Ясвинларнинг “Саломатликка бўлган муносабат индекси” методикаси, С. Ф.Батршинанинг “Соғлом турмуш тарзи” методикаси, Р.А.Березовскаянинг “Саломатликка муносабат” сўровномаси, Матейчик ва Ржичаннинг “Ота-оналар хулқ-атвори ўсмирлар назарида” тести ва диссертант томонидан ишлаб чиқилган “Руҳий саломатлик ва соғлом турмуш тарзи”, “Ёшларда соғлом тумуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг оилавий тарбияга боғлиқ омиллари”, “Оилада

фарзандларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишида ота-оналарнинг таъсири”, “Ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишида этнопсихологик омилларнинг ўрни”, “Ота-оналарнинг фарзандларни тиббий кўрикдан ўтказишга оид қарашлари”ни ўрганиш бўйича ижтимоий-психологик сўровномалардан фойдаланилди. Шунингдек, математик-статистик методлар (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Стьюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг rp-корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари) ёрдамида тадқиқотда қўлга киритилган миқдорий кўрсаткичлар қайта ишланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши ўз саломатлигига тизимли ёндашадиган шахснинг бошқаларда ҳам шундай хусусиятлар камол топишига ўзи англамаган ҳолда ҳайриҳоҳ бўлиши туфайли унинг саломатликни таъминлаш тарғиботчиси сифатидаги ролининг ортиб боришига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган;

носоғлом ижтимоий муҳит ёшларда меъёрларга тўғри келмайдиган ғайриинсоний вазифаларни бажаришга ундаши натижасида улар хулқида аста-секин деформациялашувнинг пайдо бўлиши, бу эса шахс онгида соғлом турмуш тарзига нисбатан салбий муносабатларни келтириб чиқариши асосланган;

оилада ота-оналарнинг фарзандларига меъёридан ортиқ меҳр қўйиши, уларни асраб авайлашлари, эъзозлашлари, истаган нарсаларини муҳайё қилишга интилишлари болаларда манманлик, бировларни менсимаслик, тайёрга-айёрлик, меҳнатнинг қадрига етмаслик, сабр-тоқатсизлик каби салбий ҳислатларнинг шаклланишига олиб келиши аниқланиб, бундай руҳда тарбияланган болалар муаммоли вазиятларда мустақил фикр юритиш, муайян қарорларга келиш ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиш борасида қийинчиликларга учраши исботланган;

уч авлод вакилларининг бир жойда яшайдиган оилада истиқомат қилувчи ёшларда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган саломатликка миллий қадрият сифатида қарашнинг юқори бўлиши сабабли уларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги этнопсихологик тасаввурларнинг эрта шаклланиши аниқланган;

оилада ёшларнинг ўз соғлиги ҳақида қайғуриш, соғлом турмуш тарзига ўзини иродавий жиҳатдан йўналтира олиш, соғлом турмуш тарзининг аҳамиятига қатъий ишонч, руҳий саломатлик, ҳаёт ва унинг хурсандчиликлари мазмуни ҳақидаги шахснинг тафаккури, мақсад сари интилиш каби ижтимоий-психологик омилларга ўз менини ишонтира олиш орқали уларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишига эришиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотдан олинган натижалар ва илгари сурилган ғоялар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик, ҳудудий ва этнопсихологик омилларини ўрганиш ва

ёшларнинг зарарли одатларга берилишининг олдини олиш бўйича муайян ёндашувларни яратишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади;

олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишида ота-оналарнинг тарбиявий фаолиятларида, ота-оналар университети, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутахассислари фаолиятларида фойдаланиш мумкин;

натижалар ва амалий тавсиялардан оммавий ахборот воситаларида ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши муаммоси бўйича махсус кўрсатувлар ва рукнлар ташкил этишга ва уларнинг таъсирчанлик даражасининг ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда тадқиқот вазифаларини ечишга хизмат қиладиган тадқиқот методикаларининг қўллангани, ишончли ва самарадор замонавий математик статистика усулларидан фойдаланилгани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли органлар ва тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг психологик компонентлари, ижтимоий-психологик ва этнопсихологик омиллари аниқлаштирилгани, оила ва оилавий муҳитнинг ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши ўзига хос таъсири асослангани, оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича сўровномалар ишлаб чиқилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган сўровнома ва хулосалардан бўлажак психологларни тайёрлаш, амалий психологларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда маърузалар ўқиш, ўқув адабиётларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқот иши асосида:

оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг психологик компонентлари (соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши бўйича шахснинг онги ва англанган фаолияти, алоҳида шахснинг соғлом турмуш тарзига муносабати, шахснинг ўзини ўзи соғлом турмуш тарзи сари мотивациялаши, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишида шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, шахснинг соғлом турмуш тарзи бўйича тушунча ва тасаввурлари), ижтимоий-психологик (оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишига имконият яратувчи психологик муҳитни яратиш, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар

шаклланишида ота-оналарнинг фарзандларга ибрат ва намуна сифатидаги таъсири, оиладаги шахслараро муносабатлар барқарорлиги) ва этнопсихологик (оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишида миллий қадриятларнинг ўрни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг маънавий-маърифий жиҳатлари) омилларини ўрганиш бўйича олинган илмий хулосалар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг П-М-9-сон буйруғи асосида “Ижтимоий психология” модули мазмунига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 19 августдаги П-М-9Б-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланиши ва шакллантириш бўйича кўрсатиладиган психологик хизмат имкониятларини такомиллаштиришга эришилган;

оила ва оилавий муҳит – ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишига ўзига хос таъсир кўрсатиш мумкинлигидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг П-М-9 буйруғи билан “Оила психологияси” модулини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 19 августдаги П-М-9Б-сон маълумотномаси). Натижада, амалиётчи психологларни оилавий муҳитнинг ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши бўйича касбий компетенцияларини ошириш самарадорлигини оширишга эришилган;

оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишига миллий қадриятлар, маънавий-маърифий баркамоллик ва этнопсихологик хусусиятларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олинган натижалар “Этнопсихология ва дин психологияси” модули мазмунига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 19 августдаги П-М-9Б-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишида миллий қадриятлар, маънавий-маърифий баркамоллик, этнопсихологик хусусиятларнинг ўрнига оид назарий қарашлар ва амалий тавсиялар билан “Этнопсихология ва дин психологияси” ўқув фани мавзулари такомиллаштирилган;

оилада ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришда ёшларнинг носоғлом хулқ-атвори, зарарли одатларга берилишларининг олдини олиш ва уларнинг руҳий барқарорлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган психологик тавсиялар “Девиантология асослари” модулига татбиқ этилган (“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 5 декабрдаги 01-09/57-сон маълумотномаси). Натижада, оилада ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишида ёшларнинг носоғлом хулқ-атворини ва зарарли одатларга берилишларининг олдини олиш бўйича амалий психологик

тавсиялар “Девиантология асослари” ўқув фанининг мазмунини тўлдирилишига ва такомиллашишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 16 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий-услубий иш, жумладан 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этган илмий нашрларда 14 та мақола (11 таси республика, 3 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, ўн тўрт параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Диссертация тадқиқотининг ҳажми 260 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланиши муаммоси ижтимоий психологик тадқиқот предмети сифатида”** деб номланган биринчи бобида оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланиши муаммосининг илмий-назарий асослари ва унинг ўрганилганлик ҳолати, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш – Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида, оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг илмий-методологик асослари ва тадқиқотда қўлланилган методикалар тавсифи келтирилган.

Мазкур бобда ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида олиб борилаётган оилада ёшларнинг соғлом ҳаёт кечириш фалсафасининг методологик ва услубий асосларини такомиллаштириш, уни объектив баҳолаш мезони ҳамда даражаларини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотлар таҳлил қилинган. Шуниндек, “сиҳат-саломатлик” тушунчасининг психологик компонентлари ва йўналишлари, шахс саломатлигига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари, адабиётлардаги талқини ва тадқиқот муаммосига оид

манбаларни таҳлил қилиш асосида “соғлом турмуш тарзи” тушунчасининг психологик талқини берилган.

Адабиётлар таҳлили кўрсатдики, мутахассислар томонидан “соғлом турмуш тарзи” тушунчасининг талқини борасида аниқ бир тўхтамга келинмаган. “Соғлом турмуш тарзи” кенг қамровли, мураккаб ва ғоят кенг тушунчадир. У кишиларнинг ҳаёт фаолияти, ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳадаги фаолиятининг барчасини, энг муҳими, уларнинг амалийлиги, маълум бир ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, фалсафий, тиббий ва биологик қадриятлар ва эҳтиёжларнинг реал ҳаётда акс этганлигини ўз ичига олади.

Республикамизда кейинги йилларда аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг соғлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур соҳага оид Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда давлат дастурлари мазкур муаммо қамровини ўзида акс эттиради. Республикамизнинг қонун ва қонуности ҳужжатларида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланиши муҳим йўналишлардан ҳисобланиб, унинг илмий-назарий асослари психолог, педагог, файласуф, ҳуқуқшунос, биолог, физиолог, сиёсатшунос, тиббиётчи олимлар томонидан тадқиқ этишни тақазо қилади.

Диссертациянинг **“Оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик омиллари”** номли иккинчи бобида оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг мотивацион жиҳатлари, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишида шахс руҳий саломатлиги ўрнини ўрганиш натижалари, шахснинг ўз саломатлигига муносабатининг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишига таъсирини ўрганиш бўйича эмпирик натижалар таҳлили баён этилган.

Тадқиқотда ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишига шахс руҳий саломатлигининг таъсирини ўрганиш мақсадида ўзимиз томонимиздан ишлаб чиқилган “Психологик саломатлик ва соғлом турмуш тарзи” деб, номланган ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаландик. Тажриба объекти сифатида танлаб олинган Самарқанд, Навоий ва Сурхондарё вилоятларининг айрим ҳудудлари ёшлари ва ота-оналардан сўровномадаги руҳий саломатликнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишига таъсир этувчи 6 та омили ва бу омилларнинг ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишига қай даражада таъсир этиши мумкинлигини белгилаш сўралди. Тажрибада 240 нафар 13-15 ёшли ўспирин, 130 нафар 16-18 ўсмир ва 120 нафар ота-она, жами 490 нафар респондент иштирок этди.

Тадқиқотда олинган натижаларга кўра, тажриба-синовда қатнашган респондентларнинг 81,0 % соғломликнинг руҳий саломатликка таъсири бўйича асосий, 14,4% ёрдамчи, 4,6 % аҳамиятсиз, деб жавоб берганлиги кузатилди. Бундан хулоса қилиш муминки, саломатлик ва уни сақлаш руҳий

саломатликка ва, аксинча, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар ҳамда тушунчалар шахс саломатлиги ва унинг руҳий соғломлигига таъсир кўрсатувчи асосий омил сифатида қаралади (1-расм).



1-расм.“Саломатлик” деган тушунчага бир неча сўз билан таъриф бера оласизми?” саволига жавоблар кўрсаткичи (n=490)

Респондентларга берилган “Ушбу манбалардан олинган маълумот сизнинг саломатлик соҳасидан хабардорлигингизга қандай таъсир кўрсатаётганлигини баҳоланг” деган топшириқ жавобида энг юқори кўрсаткичлар қуйидагиларда кузатилди: “Оммавий ахборот воситалари (Интернет, радио, телеведение)” (40,4%), “Врачлар (мутахасислар)” (26,8%), “Дўстлар, танишлар” (12,0%). Энг паст кўрсаткичлар эса “Саломатлик тўғрисидаги илмий-оммабоп китоблар” (9,6%), “Газета ва журналлар” (11,2%) жавобларида намоён бўлди (2-расм).



2-расм.“Ушбу манбаалардан олинган маълумот сизнинг саломатлик соҳасидан хабардорлигингизга қандай таъсир кўрсатаётганлигини баҳоланг” саволига жавоблар кўрсаткичи (n=490)

“Сизнинг ўйлашингизча, қуйида келтирилган омиллардан қайсилари соғлигингиз ҳолатига таъсир кўрсатмоқда?” деган саволга респондентлар тмонидан берилган жавоблар таҳлилига кўра, синалувчи ўсмир ва ўспиринларда “зарарли одатлар” 27,8-28,6 %, ота-оналарда 29,0% даражасида қайд этилди. Ўртача кўрсаткич даражаси бўйича “Зарарли одатлар” (28,4%) ва “турмуш тарзи” (18,5%) омиллари соғликка кўпроқ зарар етказаётгани маълум бўлди.

Олинган статистик маълумотларни психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, синалувчилар асосан “Зарарли одатлар” (28,4%) “турмуш тарзи” (18,5%), “Ўз соғлиги тўғрисида етарлича қайғурмаслик” (13,0%) “овқатланиш хусусиятлари” (12,9 %) омиллари ўз соғликларига кўпроқ таъсир кўрсатаётганини қайд этганлар (3-расм).



3-расм. “Сизнинг ўйлашингизча, қуйида келтирилган омиллардан қайсилари соғлигингиз ҳолатига таъсир кўрсатмоқда?” саволи бўйича натижа кўрсаткичлари (n=490)

Шунингдек, яшаш жойининг сифати, экологик тозалиги, бир қатор хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, ҳудуддаги давлат хизмат кўрсатиш шахобчаларининг сифати (транспорт, мактаблар, чиқиндиларни йиғиш), табиатга яқинликнинг йўқлиги ва ҳавонинг ифлосланиши, яшаш майдонининг етарлилиги, шахс руҳий саломатлиги ҳамда соғлом турмуш тарзини таъминлаш омили сифатида эътироф этилган.

“Ўз саломатлигингизни сақлаб туриш учун бирон чора кўрасизми?” деган савол бўйича энг юқори кўрсаткич “жисмоний машқ (бадантарбия, югуриш ва ҳ.к) бажараман” (27,2%), “чиниқаман” (16,6%), “профилактика сифатида врачга учрашаман” (13.9%), “зарарли одатлардан қочаман” (12,8%) жавобларига тўғри келади. Паст кўрсаткичлар “Ўз вазнимни назорат қиламан (3,5%), “ҳаммомга (саунага) қатнайман” (2,5%), “махсус соғломлаштириш машқларини бажараман (йога, ушу)” (2,7%) жавобларига тўғри келди.

Олинган натижаларни ёш даврлари бўйича таҳлил қилганимизда, ўсмирлик ёши (12-15 ёш) даврида энг юқори кўрсаткич “жисмоний машқ (бадантарбия, югуриш ва ҳ.к) бажараман” (34.2%), “Чиниқаман” (22.4%), “спорт секцияларига қатнайман” (17,5%), паст кўрсаткич эса “пархезга риоя қиламан” (2.4%), “махсус соғломлаштириш машқларини бажараман (йога, ушу)” (4,3%), “Ўз вазнимни назорат қиламан” (0%) жавобларига тўғри келди. Ўспирлик ёши (16-18 ёш) даврида эса юқори кўрсаткич “жисмоний машқ (бадантарбия, югуриш ва ҳ.к) бажараман” (35,2%), “чиниқаман” (21,0%), “спорт секцияларига қатнайман” (14,2%), паст кўрсаткичлар эса “ўз вазнимни назорат қиламан” (2.1%), “махсус соғломлаштириш машқларини бажараман (йога, ушу)” (2,2%), “Парҳезга риоя қиламан” (3,1%) жавобларига тўғри келди. (4-расм).



4-расм. “Ўз саломатлигингизни сақлаб туриш учун бирон чора кўрасизми?” саволи бўйича натижа кўрсаткичлари (n=490)

Нима учун саломатлигингиз тўғрисида кам ёки номунтазам қайғурасиз?” саволига респондентларнинг ўртача кўрсаткич бўйича юқори даражалар “Бунинг учун нима қилиш кераклигини билмайман” (19,3%), “Мен саломатман, шунинг учун бунга эҳтиёжим йўқ” (13.3%), “Билмайман, бунинг учун мос шарт-шароит йўқ” (13.2%) “Иродам етишмаяпти” (12.9%); паст даража “Ўзимни чеклашни истамайман” (4,5%), “Бунга шерик йўқ (Бир ўзим зерикаман)” (8.2%), “Бунга вақтим йўқ” (7,9%) жавобларига тўғри келади.

Тадқиқотда турли ёшдаги респондентларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланганлик хусусиятларини аниқлаш мақсадида уларнинг саломатликка бўлган муносабатини ўрганишда Дерябо ва Ясвиннинг “Саломатликка бўлган муносабат индекси” методикасидан фойдаланилди. Мазкур методиканинг хусусиятларига кўра, “саломатликнинг қадрият сифатида баҳоланиши”, “саломатликка муносабатнинг турмуш тарзи сифатида намоён бўлиши”, “соғликни сақлаш мезонининг ифодаланиши”, “саломатликни таъминлаш тарғиботидаги иштироки” каби шкалалар бўйича ўрганилди. Методиканинг илк шкаласи соғликни сақлашни қадрият сифатида эътироф этиш даражасини баҳолашга йўналтирилган.

Тадқиқотимизда турли ёшдагилар кесимида саломатликнинг қадрият сифатида баҳоланиши натижаларига кўра, саломатликка қадрият сифатида қараш ва муносабатда бўлиш аксарият ёшларда мавжудлиги кузатилди (54,4, 65,3, 69,4%). “Саломатликнинг қадрият сифатидаги баҳоланиши” даражалари респондентларнинг турли ёш даврлари бўйича ўзаро қиёсланганда, илк ўсмирлик ёш даврида (10-11 ёш) “саломатликка муносабат индекси”нинг қуйи даражаси 11,4 %, ўрта даражаси 34,2 %, юқори даражаси 54,4 % ни ташкил қилди. Ўсмирлик ёш даврида (12-15 ёш) “саломатликка муносабат индекси”нинг қуйи даражаси 8,2 %, ўрта даражаси 26,5 %, юқори даражаси 65,3 % га тенг бўлди. Ўспиринлик ёш даврида (16-18 ёш) “саломатликка муносабат индекси”нинг қуйи даражаси 6,7 %, ўрта даражаси 23,9 %, юқори даражаси 69,4 % кўрсаткичга эга бўлди (5-расм).



5-расм. Турли ёш даврдаги респондентларнинг саломатликка қадрият сифатида муносабати кўрсаткичлари (n=490)

“Саломатликка бўлган муносабат индекси”нинг корреляцион таҳлилига кўра, илк ўсмирлик ёши даврида (11-12 ёш) “саломатликнинг қадрият сифатида баҳоланиши” шкаласи қиймати M=34,040; σ =16,760; p<0.046, “саломатликка муносабатнинг турмуш тарзи сифатида намоён бўлиши” шкаласи қиймати M=42,60; 34,040; σ=22,841; p<0.0141,“соғликни сақлаш мезонининг ифодаланиши” шкаласи” қиймати M=48,40; σ =24,360; p<0.033, “Саломатликни таъминлаш тарғиботидаги иштироки” M=46,56; σ =20,50; p<0.041 ни, яъни статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражаси бўйича фарқланиш кузатилди (1-жадвал).

Ушбу кўрсаткичларни психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, “саломатликнинг қадрият сифатидаги баҳоланиш” даражаси ёш ортиб бориши билан ошиб борганлиги кузатилади. Буни ёш улғайиб бориши билан “саломатлик” тушунчасининг моҳияти, аҳамиятини кўпроқ тушуниб етиш натижасида, ўз саломатлигига эътиборнинг ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Кичик ёш даврида эса “саломатликнинг қадрият сифатидаги баҳоланиши” даражасининг нисбатан паст даражага эга экани ёш даври хусусиятларига кўра, саломатликнинг моҳиятини етарлича тушунмаслик

туфайли ўз соғлигига эътибор камроқ даражада ифодаланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ёшларнинг саломатликка муносабатини баҳолаш шкалалари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар шундан далолат берадики, уларда саломатликни сақлаш мезонлари бўйича хусусиятларнинг ўсиб бориши “саломатликни таъминлаш тарғиботидаги иштироки” даражасининг ўсишига сабаб бўлган. Бундан кўринадики, ўз саломатлигига белгиланган талаблар ва қоидалар асосида ёндашадиган шахслар бошқаларда ҳам шундай хусусиятлар камол топишига хайрихоҳ бўлади.

1-жадвал

Респондентларда “Саломатликка бўлган муносабат” шкалаларининг қиёсий статистикаси (n=490)

Ёш даврлари	Шкалалар	M	σ	t
Илк ўсмирлик ёши даврида (11-13ёш) (N-80)	Саломатликнинг қадрият сифатида баҳоланиши	34,04	16,76	11,562***
	Саломатликка муносабатнинг турмуш тарзи билан уйғунлиги	42,60	22,84	
	Соғликни сақлаш мезонининг ифодаланиши	48,40	24,36	
	Саломатликни таъминлаш тарғиботидаги иштироки	28,56	18,50	
Ўсмирлик ёши даврида (14-15 ёш) (N-240)	Саломатликнинг қадрият сифатида баҳоланиши	53,80	24,60	16,604***
	Саломатликка муносабатнинг турмуш тарзи сифатида намоён бўлиши	50,04	24,76	
	Соғликни сақлаш мезонининг ифодаланиши	31,44	24,62	
	Саломатликни таъминлаш тарғиботидаги иштироки	29,66	20,34	
Ўспиринлик ёши даврида (16-18 ёш) (N-140)	Саломатликнинг қадрият сифатида баҳоланиши	55,40	25,02	15,146***
	Саломатликка муносабатнинг турмуш тарзи сифатида намоён бўлиши	56,34	22,02	
	Соғликни сақлаш мезонининг ифодаланиши	32,22	21,32	
	Саломатликни таъминлаш тарғиботидаги иштироки	24,38	20,58	

Олинган статистик маълумотлар далолат берадики, барча ёшдаги респондентларда “соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги иштирок” шкаласи энг кичик қийматга эга. Бу ҳолат, ўз навбатида, ёшларга саломатлик ва саломатликни таъминлашнинг психологик жиҳатлари бўйича зарурий

маълумотлар бериб бориш, саломатликни сақлаш бўйича тушунчаларни шакллантириш масалалари тарғиботини кучайтиришни тақазо қилади.

Эмпирик кўрсаткичлар таҳлилига кўра, ёшларда саломатликка муносабат бўйича “саломатликнинг қадрият сифатида баҳоланиши” шкаласи (25,3%), “саломатликка муносабатнинг турмуш тарзи сифатида намоён бўлиши” (28,2%) ва “соғликни сақлаш мезонининг ифодаланиши” (25,2%), шкалалари кўрсаткичи бир мунча юқорироқ даражани кўрсатган (1-жадвал). Бу шундан далолат берадики, қайси ёшда бўлишидан қатъи назар, ёшлар ўртасида саломатликка қадрият сифатида қараш, саломатликка муносабатнинг турмуш тарзи билан уйғунлиги ва соғликни сақлаш мезонларига эътибор баъзан англанган ва англанмаган тарзда намоён бўлади. Бундан хулосага келиш мумкинки, ёшлар турмуш тарзи уйғунлиги, саломатликка қадрият сифатида қараш ва соғликни сақлаш мезонига риоя қилишни саломатликка нисбатан кўпроқ эмоционал соҳада яққол ифода этадилар. Шунинг учун улар кўпинча ўзларининг саломатлигидан мамнун бўлади, унда бирор бир ўзгариш бўлса, дарҳол огоҳ бўлишга интилади, салбий стереотиплардан ҳоли бўлган ёшлар эса жамиятда соғлиққа нисбатан муносабатга соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари асосида ёндашадилар.

Таҳлилларимиздан маълум бўлишича, саломатликка муносабат индекси шкалалари бўйича ёшларнинг “саломатликни таъминлаш тарғиботидаги иштироки”нинг паст кўрсаткичга (21,3%) эгалиги эса, уларнинг нуқтаи назарида саломатлик ҳар бир шахснинг индивидуал юмушидир, деган муносабат шаклланганлиги оқибати бўлиши мумкин.



6-расм. Турли ёш даврларида “Саломатликка муносабат индекси”нинг шкалалар бўйича ифодаланиши кўрсаткичлари (n=490)

Тадқиқотимизда ёшларда ўз-ўзига бўлган муносабатнинг ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланишига таъсирини ўрганиш мақсадида Столин-Пантелеевнинг “Ўз-ўзига муносабат” тест-сўровномасидан фойдаландик. Олинган натижалар бўйича турли ёшдаги болалар ва ўсмирларнинг ўз-ўзига муносабатининг умумий даражаси ва

унинг соғлом турмуш тарзи тўғрсидаги тасаввурларнинг шаклланишига доир айрим жиҳатларини: ўзини ўзи ҳурмат қилиш, аутосимпатия, ўзини ўзи қабул қилиш, ўз-ўзини тушуниш, ўз ўзига ишонч, ўзининг ўзига қизиқиши ва ш.ҳ. ларни ўрганиш имкониятини берди.

“Саломатликка бўлган муносабат” тести натижаларининг корреляцион таҳлил натижалари “Ўз-ўзига муносабат” (r=0.431, p<0.01), “Ўз-ўзига ҳурмат” (r=0.304, p<0.05), “Аутосимпатия” (r=0.432, p<0.01), “Ўз-ўзига қизиқиш” (r=0.319, p<0.05) шкалалари ўртасида яққол юқори ва аҳамиятга эга бўлган корреляцион боғланишлар мавжудлигини кўрсатди. Бу эса шахснинг ўз-ўзига муносабати, ўз-ўзига ҳурмат, ўз-ўзига қизиқиш хусусиятлари респондентларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиш даражаси юқори бўлишига таъсир қилиши мумкин деган хулоса қилишга имкон беради**.**

“Ўз-ўзини тушуниш” (r=0.310, p<0.01),“Ўз-ўзини қабул қилиш” (r=0.318, p<0.05), “Ўз-ўзини бошқариш” (r=0.464, p<0.01), “Ўз-ўзига ишонч” (r=0.284, p<0.05) шкалалари манфий кўрсаткични ифодалайди (2-жадвал). Бундай ҳолат айнан ушбу шахс хусусиятлари ёшларда соғлом турмуш тарзи психологиясининг шаклланишига салбий кўрсатиши мумкинлигига ишора қилади.

2-жадвал

Респондентларнинг ўз-ўзига муносабатининг корреляцион коэффициентлари (“Ўзининг ўзига муносабати” тест-сўровномаси бўйича**)**
(n=450)

Шкалалар	**Ёш даврлари**		
	Илк ўсмир-лик (11-12ёш) (N-80)	**Ўсмирлик (13-15 ёш) (N-240)**	**Ўспиринлик (16-18 ёш) (N-140)**
Ўз-ўзига муносабат	0.431**	0.379*	0.318*
Ўз-ўзига ҳурмат	0.304*	0.380*	0.368*
Аутосимпатия	0.432	0.278*	0.216
Ижтимоий муносабатлардан кутишлар	0.268*	0.328*	0.335*
Ўз-ўзига қизиқиш	0.226	0.316*	0.148
Бошқа муносабатларни кутиш	0.319*	0.246	0.278*
Ўз-ўзини қабул қилиш	0.318*	0.335*	0.356*
Ўз-ўзини бошқариш	0.464**	0.295*	0.214
Ўз-ўзини айблаш	0.264*	0.416**	0.390*
Ўз-ўзига қизиқиш	0.272*	0.285*	0.272*
Ўз-ўзини тушуниш	0.310*	0.183*	0.313*
Ўз-ўзига ишонч	0.284*	0.562**	0.277*

Изоҳ: *p<0.05; **p<0.01

Маълумки, ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланиши хилма-хил омилларга боғлиқ. Шунинг учун уни тадқиқ қилиш ишлари бу муаммога ҳар томонлама ёндашувни тақазо қилади. Шу боисдан тадқиқотда ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий муҳит ва оилавий тарбиянинг ўрнини ўрганиш мақсадида Шефернинг "Ота-оналар хулқ-атвори ўсмирлар назарида" (1965) тест-сўровномасининг З.Матейчик, Ржичан (1983) томонидан мослаштирилган ва тадқиқот учун махсус қайта ишланган вариантидан фойдаланилди. Ушбу тестни қўллашдан мақсад ўсмирларнинг ота-оналари хулқ-атвори ва уларнинг фарзандларига қиладиган муносабатининг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишига таъсирини ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, ота-оналар оилада фарзандлари билан турлича муомала ва муносабатда бўлишлари аниқланди. Буни носоғлом турмуш тарзига эга бўлган ёшларнинг ўз ота-оналари хулқ-атворлари тўғрисида берган маълумотлари ҳам кўрсатиб турибди. Бунга кўра, носоғлом турмуш тарзига эга бўлган оилаларда тарбияланган ёшларнинг ота-оналари кўпинча фарзандларига «эркинлик бериш» асосида муомала-муносабатда бўлганликлари кузатилди. Оқибатда бундай оилаларда тарбияланган фарзандларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланиш даражаси анча паст даражани кўрсатганлиги аниқланди (20,45 %). (3-жадвал)

Назаримизда, болаларга ҳаддан ортиқ эркинлик бериш уларнинг ўз билганича иш тутиши, қилаётган ишининг тўғри ёки нотўғрилигини англаб етмасликка олиб келади. Ота-она назоратидан, сўраб тергашидан четда қолган ўсмир ўзини эркин билиб, кўнгли тусаган ишга қўл уради. Бундай хатти-ҳаракатлар баъзан носоғлом турмуш тарзига берилиш оқибати бўлиши ҳам мумкин.

Ота-оналар фарзандларининг ҳаёти ва фаолиятига қизиқмаслиги, уларни назоратсиз қолдириши кўпинча ўсмирнинг носоғлом турмуш тарзини олиб борадиган тенгдошлари сафига қўшилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ота-оналар фарзандларининг, айниқса ўсмирлик ёши давридаги фаолиятини, бўш вақтида нималар билан шуғулланаётганини доимий назорат қилиб боришлари мақсадга мувофиқ. Қолаверса, ўсмирлик ёш давридаги психофизиологик ўзгаришлар ва ўтиш даври хусусиятлари ота-оналар ва, умуман, катта ёшдаги кишиларнинг ўзига хос алоҳида эътиборини талаб қилади.

Оилада ота-оналарнинг фарзандларига "мустақил фаолият юритиш" асосидаги муносабати ҳам уларда носоғлом турмуш тарзи психологиясининг келиб чиқишига сабаб бўлгани кузатилади (17,42%). Демак, оилада фарзандларнинг ёшлиги, ҳаётий тажрибаси етишмаслигидан келиб чиқиб, уларга "мустақил фаолият юритиш"ларида ота-онанинг маслаҳат, йўл-йўриқ бериб туриши ёшларда соғлом хулқ ва соғлом турмуш тарзининг шаклланишига хизмат қилишини унутмаслик лозим. Аксинча ҳолатлар: оилада болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, улар фаолиятини назорат қилмаслик носоғлом турмуш тарзининг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, оиладаги авторитар, яъни ҳаддан ортиқ қаттиққўллик асосидаги муносабат ҳам болалар ва ўсмирларда носоғлом турмуш тарзининг келиб чиқишига сабаб бўлиши кузатилади (13,26 %).

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, оилада болаларга позитив, директив, авторитар муносабатларни меъёрида қўллаш ва бунда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва ўтиш даври хусусиятларини ҳисобга олиш улар хулқида ижобий фазилатларнинг шаклланишига олиб келади.

Оилада ота-оналарнинг болаларга нисбатан муомала ва муносабатларининг корреляцион таҳлилига кўра, “эркинлик бериш асосидаги муносабат”нинг ўртача умумий қиймати 1,58 га тенг бўлса, стандарт оғиш 0,19 ни ташкил қилди. “қаҳр-ғазаб асосидаги муносабат”да ўртача қиймат 1,68 стандарт оғиш 0,20 ни ташкил қилади. “тарбияда изчилликнинг йўқлиги” муносабати кўринишида эса ўртача қиймат 1,48, стандарт оғиш 0,18 ни кўрсатди (3-жадвал). Бундан кўринадики, ўртача қиймат ва стандарт оғиш даражалари ота-онанинг қаҳр-ғазаб асосидаги муносабати кўринишида бошқаларига қараганда бироз юқори. Бу шундан далолат берадики, ота-онанинг “қаҳр-ғазаб асосидаги муносабати” корреляцион таҳлилга кўра ҳам, носоғлом турмуш тарзи психологиясининг келиб чиқишига сабаб бўладиган асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлди.

3-жадвал

“Ота-оналар хулқ-атвори ўсмирлар назарида” тести натижаларининг корреляцион кўрсаткичлари (n=450)

Ота-оналар муносабати	**Илк ўсмирлик** (11-**12)ёши (N-80)**		**t**	**Ўсмирлик (13-15) ёши (N-240)**		**t**	**Илк ўспиринлик ва ўспиринлик (16-18) ёши (N -130)**		**t**	**Умумий**	
	Ўртача қиймат	**Стандарт оғиш**		**Ўртача қиймат**	**Стандарт оғиш**		**Ўртача қиймат**	**Стандарт оғиш**		**Ўртача қиймат**	**Стандарт оғиш**
Эркинлик бериш асосидаги муносабат	1,60	0,23	-0.14	1,64	0,25	0,51	1,50	0,11	0,4	1,58	0,19
Авторитар бошқарувчанлик	1,46	0,19	-0,44	1,62	0,20	0,89	1,37	0,20	0,33	1,48	0,19
Қаҳр-ғазаб асосидаги муносабат	1,68	0,13	0,25	1,75	0,24	0,40	1,62	0,22	0,24	1,68	0,20
Мустақил фаолият юритиш асосидаги муносабат	1,63	0,25	0,74	1,43	0,11	-0,65	1,56	0,17	0,23	1,54	0,17
Тарбияда изчилликнинг йўқлиги	1,52	0,21	0,06	1,50	0,10	0,33	1,43	0,23	0,29	1,48	0,18

Тадқиқотимизда оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишида ота-оналарнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш мақсадида диссертант томонидан ишлаб чиқилган “Оилада фарзандларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишида ота-оналарнинг таъсири” деб номланган ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаланилди. Сўровнома 14 та саволдан иборат бўлиб, унда ота-оналарнинг оилада соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришга йўналтирилган психологик муҳит, оиладаги ўзаро соғлом муносабатлар, оилавий қадриятлар, ота-онанинг намуна ва ўрнак асосидаги таъсир имкониятлари ва бошқалар қамраб олинган. Тадқиқотда 120 нафар ота-она қатнашди.

Тадқиқот натижаларига кўра, респондент ота-оналарда энг юқори кўрсаткич “ота-оналарнинг соғлом турмуш тарзи билан шуғулланмасликлари болаларда соғлом турмуш тарзининг шаклланишига таъсир кўрсатади, деб ўйлайсизми?” (12,6%), “оиладаги моддий-маиший шарт-шароитининг етарли эмаслигининг фарзандларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга таъсири бор, деб ҳисоблайсизми?” (10,2%), “оиланинг фарзандларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришда ўрни бор, деб ҳисоблайсизми?” (8,9%), “оилада ота-оналарнинг жамият меъёрларига зид хулққа эга бўлиши болаларда соғлом турмуш тарзининг шаклланишига таъсир кўрсатадими?” (8,6%) каби саволларга тўғри келди (диссертациянинг 3.2.1-жадвалига қаранг).

“Сиз ўзингизни фарзандларда соғлом турмуш тарзининг шаклланишига намунавий таъсир кўрсата олаяпман, деб ўйлайсизми?” саволига жавоблар кўрсаткичи 5,2%, “Оилангизда соғлом турмуш тарзи муҳити мавжуд, деб ҳисоблайсизми?” саволига жавоб кўрсаткичи 6,2% ни ташкил қилди.

Бундан кўринадики, ўрганилган ота-оналар гарчанд ўзларининг соғлом турмуш тарзи билан шуғулланмасликлари болаларда соғлом турмуш тарзининг шаклланишига таъсир кўрсатади, деб ўйласалар-да, оилада фарзандлари учун соғлом турмуш тарзи муҳитни яратишга эътиборсиз, ота-оналарнинг катта қисми фарзандларида “соғлом турмуш тарзи тушунчаси”, унга оид тасаввурлар ва мотивацияни шакллантиришда сусткашликка йўл қўймоқда.

Айниқса, ота-оналарнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги билим ва тушунчалари, фарзандларида соғлом турмуш тарзи тасаввурларини шакллантиришда ўзларининг намуна ҳамда ўрнак тарзидаги саъй-ҳаракатлари ва оилада соғлом турмуш тарзи муҳитини яратиш борасидаги интилишларнинг етишмаслиги ёшларда соғлом турмуш тарзига нисбатан носоғлом муносабатнинг шаклланишига олиб келаётганлиги кўзга ташланади. Шунинг учун ота-оналар фарзандларида соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш учун, аввало, ўзлари соғлом турмуш тарзига риоя этиши, бу борадаги билимлари ва тушунчаларини оширишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шундагина оилаларда тарбияланаётган фарзандларда соғлом турмуш тарзи шаклланиши мумкин бўлади.

Кузатишларимиздан аён бўладики, кўпчилик ота-оналар ва ёшлар фақат

касал бўлгандагина врачга мурожаат қилади, хатто касал ўтиб кетгандан кейин бунга вақт топадиганлар ҳам кам эмас, вақти-вақти билан мурожаат қиладилар сони катта эмас. Демак, кенг аҳоли ва айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзига алоқадор тиббий маданият борасида ўйлашга арзийдиган муаммолар учраб турибди.

Шу боисдан ҳам тадқиқотда ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан тиббий-психологик маълумотлилик устида ишлаш даражасини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Олинган натижаларга кўра, “Ўз фарзандларингиз билан тиббий-гигиеник мавзуда суҳбатлашиб турасизми?” деган саволга барча сўралганларнинг 3,3 % игина ижобий жавоб берган. Демак, ота-оналарнинг катта қисми фарзандлари билан умуман бу мавзуда гаплашмайди. Бу ўйлантирадиган ҳолат, албатта.

Диссертациянинг **“Оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишининг маънавий-маърифий ва этнопсихологик хусусиятлари”** номли учинчи бобида ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишига таъсир этувчи маънавий-маърифий ва ижтимоий-психологик омилларини ўрганиш натижалари баён қилинган, оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг этнопсихологик хусусиятлари, оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишига таъсир этувчи тиббий-психологик масалалар тадқиқ этилган.

Тадқиқотда маънавий-маърифий омилларнинг оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишига таъсирини ўрганиш мақсдида ўзимиз томонимиздан ишлаб чиқилган “Ёшларда соғлом тумуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишида оилавий тарбияга боғлиқ омиллар” номли ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, болалар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишида “оилада фарзандлар тарбиясига эътиборнинг сусайиши ва улар фаолиятини назорат қилмаслик” (24,30 %) асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Болалар ва ўсмирларда носоғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишига таъсир этувчи оилавий тарбияга боғлиқ бўлган омиллар орасида “ота-оналарда фарзандлар тарбиясига доир билимларнинг етарли эмаслиги” ҳам яққол кўзга ташланади (8,42 %. 4-жадвал).

Тадқиқотимизда оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурлари шаклланишининг этнопсихологик омилларини ўрганиш мақсадида “Ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг этнопсихологик омиллари” номли диссертант томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаланилди.

Олинган натижаларга кўра, респондент ўспиринларнинг 12,2 фоизи, ота-оналарнинг эса 12,8 фоизи “шахснинг онглилик ва дунёқараш кенглиги даражаси соғлом турмуш тарзининг шаклланишида аҳамияти бор” жавобини таъкидлаган. Ўсмирларнинг 10,3 фоизи, ота-оналарнинг эса 10,2 фоизи “бахтли оилавий ҳаётнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ўрни бор”, деб қайд этган. Шунингдек, “кишининг ҳаёт тарзи соғлом турмуш

тарзининг шаклланишига таъсир қиладими? деган саволга ёшларнинг 10,1 фоизи, ота-оналарнинг эса 10,5 фоизи «таъсир қилади», деган жавобни берган.

4-жадвал

Ёшларда соғлом тумуш тарзи тўғрсидаги тасаввурлар шаклланишининг оилавий тарбияга боғлиқ омилларини ўрганиш бўйича ижтимоий-психологик сўровнома натижалари (n=460)

№	Ёшларда соғлом тумуш тарзи психологияси шаклланишининг оилавий тарбияга боғлиқ омиллари	Илк ўсмирлик (11-12)ёши (N-80)	Ўсмирлик (13-15) ёши (N-240)	Ўспиринлик (16-18) ёши (N -140)	Ўртача кўрсат-гич
1	Оилада фарзандлар тарбиясига эътиборнинг сусайиши ва улар фаолиятини назорат қилмаслик	22,20	23,06	25,24	24,30
2	Ота-оналарда фарзандлар тарбияси бўйича билимларининг етарли эмаслиги	7,66	9,26	7,68	8,42
3	Оилавий тарбияда самарасиз, эскирган усуллардан фойдаланиш	9,24	8,33	6,32	8,21
4	Оилавий тарбияда миллий қадриятларимиздан фойдаланмаслик	6,42	7,28	8,10	7,42
5	Оилавий тарбияда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олмаслик	19,47	15,56	14,24	15,38
6	Оилада болалар тарбиясига қарияларнинг жалб этилмаслиги	6,86	6,02	4,20	5,31
7	Оилада болаларнинг ёлғиз тарбияланиши (якка фарзандлилик)	3,70	4,09	5,42	4,24
8	Тарбиявий жараёнда ота таъсири ва ўрнининг сусайиши	2,74	3,62	4,26	3,46
9	Ота-оналарнинг жамият меъёрларига зид бўлган хулқ-атворга эга бўлишлари	12,43	13,24	14,21	13,62
10	Моддий-маиший шарт-шароитининг етарли эмаслиги	9,28	9,48	10,41	9,61

Шунингдек, “шахснинг онглилик ва дунёқараш кенглиги даражаси соғлом турмуш тарзининг шаклланишида аҳамияти бор деб ҳисоблайсизми?” деган саволга ижобий жавоб энг юқори кўрсаткични ифода этган (ўспиринларда 12,2%, ота-оналарда 12,8 %), (Диссертациянинг 3.1.1-жадвалига қаранг).Ушбу ҳолатни психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, соғлик масаласида онглилик, саводлилик ва малакалилик – соғлом

турмуш тарзининг асосий талаблари сифатида аниқланиб, масала ҳал бўлгандек кўринади. Бу талаб ҳар бир кишининг соғлом турмуш тарзи ҳақида кенг билим ва тушунчага эга бўлиши ва бу билимларни ўзининг кундалик турмушида қўллашини тақазо қилади. Инсон соғлиги ва уни мустаҳкамлаш – соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги билим ҳамда малака ҳам худди шундай. Фақат шу соҳадаги онгсизлигимиз, уқувсизлигимиз туфайли кўпчилик вақтларда бошимиз касалдан, танамиз азобдан чиқмай қолади. Ўтмишда одамлар узоқ умр кўрганлар, ҳозирги тараққиёт кишиларнинг умрини қисқартиряпти, деган гаплар мутлақо асоссиз. Аксинча, тараққиёт инсонга кўпроқ соғлом ва узоқ умр кўриш имкониятини беряпти. Бунинг асосий сабаби инсонни табиатнинг ва жамиятнинг ноқулай омилларидан ҳимояланишни ўрганиб бориши ва ўз соғлигини сақлаш борасидаги маълумот ҳамда малаканинг шаклланаётганлигидир.

“Оила аъзоларининг ўзаро мунсобатлари ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланишига таъсири бор деб ҳисоблайсизми?” номли саволга ўспиринларнинг 5,5 фоизи ва оталарнинг 4,7 фоизи таъсири бор, деб жавоб берган. Бу оиладаги соғлом ўзаро муносабатлар ёшларда соғлом турмуш тарзининг шаклланишига ўзига хос тарзда таъсир қилади деган, хулоса қилиш имконини беради.

Диссертациянинг “**Ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик дастури”** деб номланган тўртинчи бобида ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш дастури босқичлари, ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш бўйича ижтимоий-психологик дастурни амалиётга татбиқ этиш натижаларининг эмпирик таҳлили, ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришда оила, маҳалла ва таълим муссасалари ҳамкорлигининг психологик жиҳатлари ўрганилган.

Дастурнинг асосий мақсади ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиришдир. Психотренинг дастури мазмунида ёш даври психогигиенаси, таълим психогигиенаси, турмуш психогигиенаси ҳамда оила ва жинсий ҳаёт психогигиенасига оид психотренинг машқлари мужассамлашган.

Диссертацион тадқиқот мақсади ва вазифаларига кўра, ёшларнинг соғлом турмуш тарзига доир муносабатлар даражаси (ҳиссий, когнитив, хулқий) аниқланди. Бу эмпирик кўрсаткичлар, бир томондан, психотренинг дастурини амалга оширишда иштирок этувчи гуруҳ аъзоларини саралаш, иккинчи томондан, ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришда янада аниқроқ ва яққолроқ акс эттирувчи мезонлар устида ишлаш имкониятини берди. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда психотренинг дастури самарадорлигини баҳолаш учун психотренинг дастури ҳамда унинг диагностикасини таъминловчи мезонларни шакллантириш учун С.Ф.Батршинанинг “Соғлом турмуш тарзи” методикасидан фойдаланилди. Мазкур методика биринчи босқичдаги тажриба кўрсаткичлари хусусиятини ўзида акс эттириш имкониятига эга. Ўз

навбатида, методика психотренинг дастури самарадорлигини баҳолашга ҳам хизмат қилди.

Аниқловчи тажриба-синов натижаларидан кўриниб турибдики, ўсмирлик ёшидаги қизлар ва йигитларнинг “жисмоний соғликни англаш” бўйича: қизлар (4,68±1,28) ва йигитлар (4,45±0,91); “руҳий саломатликни англаш” қизлар (4,09±1,19) ва йигитлар (4,36 ±0,84) “психик барқарорлик” қизлар (3,54± 0,80) ва йигитларнинг (3,36±0) натижалари ўртасида ҳеч қандай тафовутлар аниқланмади. Эмпирик кўрсаткичлар бу тарзда кўриниш олиши тадқиқот контентлари бир хил, яъни соғлом турмуш тарзига муносабат паст даражада шаклланган билан боғлиқ (5-жадвал).

Тадқиқот методикасини татбиқ қилиш натижалари бўйича корреляцион таҳлилда учта коэффициент аниқланди. Коэффициентлар эса ижобий ёки салбий аҳамиятли кўрсаткичга эга эмас. Демак, ўсмир қизларнинг саломатлигига муносабатини акс эттирувчи мезонлар ўртасида бирор бир аниқ психологик изоҳни берувчи ҳолат кузатилмади.

5-жадвал

Респондентларнинг психотренинггача даврда ўз соғлигига муносабати кўрсаткичларининг корреляцион таҳлили (n=370)

Критерий		M	**σ**	t
Жисмоний соғликни англаш	Ўсмир-қизлар	4,68	1,28	0,692
	Ўсмир ўғил болалар	4,45	0,91	
Руҳий соғликни англаш	Ўсмир-қизлар	4,09	1,19	- 0,826
	Ўсмир ўғил болалар	4,36	0,84	
Психик барқарорлик	Ўсмир-қизлар	3,54	0,80	
	Ўсмир ўғил болалар	3,36	0,72	1,000

Изоҳ: *p<0.01; **p<0.04

Синалувчиларнинг тажриба-синов босқичидаги ўз саломатлигига муносабатини акс эттирувчи корреляция таҳлил натижаларида учта коэффициент аниқланди ва улардан бири аҳамиятли кўрсаткичга эга. Аҳамиятлилик корреляция коэффициенти ёшлар саломатлигининг “руҳий саломатликни англаш” билан “психик барқарорлик” шкалалари ўртасида кузатилди (г=0,046, p<0,01) (6-жадвал). Ушбу коэффициент саломатлигига муносабати етарлича шаклланмаган ёшларнинг “руҳий саломатлигини англаш”лари учун руҳий барқарорлик зарур эканлигидан далолат беради.

6-жадвал

Психотренинггача бўлган босқичдаги қизларнинг ўз саломатлигига муносабати кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион алоқаларни аниқловчи тажриба-синов кўрсаткичлари (n=165)

Шкалалар	**Жисмоний Соғликни англаш**	**Руҳий соғликни англаш**	**Психик барқарорлик**
Жисмоний соғликни англаш	1	-0,046	0,176
Руҳий саломатликни англаш		1	-0,062
Психик барқарорлик			1

Изоҳ: * аҳамиятлилик кўрсаткичига эга бўлган корреляция коэффициентлари аниқланмади.*

Навбатдаги таҳлил натижасида йигитларнинг тажриба-синов босқичидаги саломатлигига муносабатини акс эттирувчи корреляцион таҳлил натижасида учта коэффициент аниқланди ва улардан бири аҳамиятлилик кўрсаткичига эга. Аҳамиятлилик корреляция коэффициенти ўсмирлар саломатлигининг “руҳий саломатликни англаш” билан “психик барқарорлик” шкалалари ўртасида кузатилди (г=0,431, р<0,01; г=0,388, р<0,01). Ушбу коэффициентга кўра, саломатлигига муносабати етарлича шаклланмаган ўсмирларнинг “руҳий соглигини англаш”и учун руҳий барқарорлик зарур эканидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг руҳий барқарорлиги ҳам жисмоний, ҳам руҳий саломатлик учун муҳим. Психик беқарорлик оқибатида турли соматик ва руҳий касалликлар келиб чиқиши имплицид ва эксплицид тадқиқотларда аниқланган. Ёшларнинг умумий кўрсаткичлари аҳамиятли таҳлилий материал тақдим этиши мумкин. Шунинг учун ёшларнинг саломатликка муносабатини акс эттирувчи кўрсаткичлар бўйича корреляцион таҳлилни умумий кўрсаткичи устида тўхталамиз (7-жадвал).

7-жадвал

Психотренинггача бўлган босқичдаги йигитларнинг ўз саломатлигига муносабати кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион алоқаларни аниқловчи тажриба-синов кўрсаткичлари (n=210)

Шкалалар	**Жисмоний соғликни англаш**	**Руҳий саломатликни англаш**	**Психик барқарорлик**
Жисмоний соғликни англаш	1	0,431	0,388
Руҳий саломатликни англаш		1	0,352
Психик барқарорлик			1

**Изоҳ: аҳамиятлилик кўрсаткичига эга бўлган корреляция коэффициентлари аниқланмади.*

Маълумки, соғлом турмуш тарзига оид сифатлар, айниқса, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларига доир компонентлар, яъни ёшларнинг ўз-ўзига муносабати, ўзидан қониқиши, руҳий соғломлиги, ўзини идора қила билиши, ўйин вазиятларида ечимни оқилона топа билиши билан тавсифланади. Ёшларнинг ўз-ўзига муносабати йиллар ўтиши билан ўзгаришига гувоҳ бўлдик. Тажриба-синов ишлари натижасида ёшларнинг ўз-ўзига муносабатида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлгани кузатилди.

Тажриба-синов ишларининг самарадор эканини аниқлаш мақсадида олинган маълумотлар қиёсий статистик таҳлил қилинди. Натижалардан кўринадики, ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни шакллантирувчи психотренинг машғулотларни жорий этиш уларнинг ҳаётдан қониқиш, руҳий саломатлик, асабий зуриқиш, жисмоний саломатлик каби жабҳаларига ижобий таъсир кўрсатди.

Дастлабки таҳлил тажриба гуруҳининг аклий ривожланиш мезонлари бўлиб, бунда шакллантирувчи ва аниқловчи босқичлардаги натижаларнинг умумий ҳолатига эътибор берилди (8-жадвал).

8-жадвал

Тажриба гуруҳи синалувчиларининг тажриба-синов босқичлари натижалари (n=210)

Мезонлар	**Тажриба-синов** босқичлари	**M**	**σ**	**t**
Жисмоний соғликни англаш	аниқловчи	4,41	1,12	-7,530***
	шакллантирувчи	7,6	0,91	
Руҳий саломатликни англаш	аниқловчи	4,43	6,15	7,699***
	шакллантирувчи	8,6	7,11	
Ёшларнинг асабий ҳолати	аниқловчи	3,76	0,83	4,614**
	шакллантирувчи	6,3	1,74	

*Изоҳ: *** p<0.001*

Тажриба-синовнинг шакллантирувчи босқичидаги махсус психотренинг дастурида ёшларни ўз соҳалари бўйича ўқитиш жараёнида психотренинг дастурининг самарали усуллари, шахснинг жисмоний ва руҳий соғликни англаш, унинг когнитив соҳаси, хусусан, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиш хусусиятларини ривожлантиришга қаратилган топшириқлар билан қамраб олганлиги инобатга олинадиган бўлса, у текширилувчиларнинг кўрсаткичларида ўзгаришларни келтириб чикаришини тахмин қилиш мумкин. Энди ушбу фикрнинг давоми сифатида миқдорий кўрсаткичлар таҳлилига мурожаат этамиз.

Тажриба гуруҳи текширилувчиларининг соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантирувчи ва аниқловчи диагностик босқичи кўрсаткичларида статистик фарқни акс эттирувчи бир қатор ҳолатлар кузатилди. Умумий натижалардан шу нарса маълум бўлмокдаки, текширилувчиларни махсус психотренинг дастурлари орқали психотренинг машғулотлари уларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини англаш мезонларига ҳамда уларнинг шахсий фаолликларига таъсир ўтказмасдан колмас экан. Текширилувчиларнинг “жисмоний соғлигини англаш” (4,41 ва 1,12; t= - 7,530; p<0.001); “руҳий саломатликни англаш” (4,43 ва 6,15; t=-7,699; p<0.001); “Ёшларнинг асабий ҳолати” (3,76 ва 6,3; t=-4,614; p<0.001) (8-жадвал).

Юқоридагилардан кўринадики, махсус психотренинг дастури амалиётдаги тасдиғида ёшларнинг соғлом турмуш тарзига риоя қилишда умумий фаоллигини таъминлаши, соғломлик мотивларини англашига имконият яратиши, ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратиши, ёшларнинг асабий ҳолатини бартараф этиши таълим олувчининг соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантиришга хизмат қилиши мумкинлигини яна бир бора ифода этмоқда. Бундан кўринадики, ёшларнинг соғлом турмушга тайёрлиги ёшлар гуруҳларида соғлом ижтимоий ҳамкорлик муҳитининг шаклланиши, таълим олувчининг жисмоний ва руҳий соғликни англаши, мустақил фикрлаши ва ўз устида ишлашига замин ҳозирлаши билан характерланади.

ХУЛОСА

Оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурлари шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурлари шаклланишининг илмий-назарий асосларини ўрганиш натижаларига кўра, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари хориж ва Ўзбекистон олимлари томонида етарлича ўрганилмаганлиги кўзга ташланади.

2. Оилада ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурлари шаклланишининг методологик, психологик, педагогик, тиббий ва гигиеник асосларини яратиш улар ўртасида соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурларни шакллантириш самарадорлигини белгиловчи муҳим омил сифатида намоён бўлади.

3. Ёшларнинг оилада соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурлари шаклланишини ривожлантириш муаммоси бўйича кўплаб концепциялар, назариялар, йўналишлар, қарашлар, ёндашувлар, турли жабҳалар ва жиҳатлар мавжуд бўлишига қарамасдан, психолог олимлар ёшларнинг оилада соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш бўйича илмий асосланган, мақсадли йўналтирилган йўл-йўриқ ва самарали усулларни ишлаб чиқиш имконияти етарли даражада эмаслиги кўзга ташланади.

4. Респондентларда саломатликнинг қадрият сифатидаги баҳоланиш даражаси ёш даври ортиб бориши билан бироз кўтарилиб борганлиги кузатилди. Бунинг сабабини респондентларнинг ёш даври улғайиб бориши билан саломатлик тушунчасининг моҳиятини, аҳамиятини кўпроқ тушуниб етиши, уларда ўз саломатлигига нисбатан бўлган эътиборнинг ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Кичик ёш даврида эса, “Саломатликнинг қадрият сифатидаги баҳоланиш” даражасининг нисбатан пастроқ даражага эга бўлишини уларнинг ёш хусусиятларига кўра, саломатликнинг моҳиятини етарлича тушунмасликлари туфайли ўз соғликларига бўлган эътибор камроқ даражада ифодаланади деб, изоҳлаш мумкин.

5. Эмпирик кўрсаткичларнинг таҳлилига кўра, ёшларда саломатликка муносабат бўйича “саломатликнинг қадрият сифатида баҳоланиши” шкаласи, “саломатликка муносабатнинг турмуш тарзи сифатида намоён бўлиши” ва “соғликни сақлаш мезонининг ифодаланиши”, шкаллалари кўрсаткичи бир мунча юқорироқ даражани кўрсатган. Бу шундан далолат берадики, қайси ёш бўлишидан қатъи назар, ёшлар ўртасида саломатликка қадрият сифатида қараш, саломатликка муносабатнинг турмуш тарзи билан уйғунлиги ва соғликни сақлаш мезонига эътибор қаратиш ҳолатлари баъзан ўзлари томонидан англанган ва англамаган тарзда риоя қилинар экан.

6. Соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурларга оид сифатлар айниқса, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурларига доир компонентлар яъни, уларнинг ўз-ўзига муносабати, ўзидан қониқиши, руҳий

саломатлиги, ўзини идора қила билиши, ўйин вазиятларда ечимни оқилона топа билиши билан характерланади.

7.Тадқиқот натижаларига кўра, ота-оналарнинг катта қисми фарзандларида соғлом турмуш тарзи тушунчаси, уларнинг тасаввурлари ва мотивациясини шакллантиришда сусткашликка йўл қўяётганликлари кузатилди.

8.Ота-оналарнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги билим ва тушунчаларининг, фарзандларида соғлом турмуш тарзи тасаввурларини шакллантиришда ўзларининг намуна ва ўрнак тарзидаги саъйи-ҳаракатларининг етишмаслиги ва оилада соғлом турмуш тарзи муҳитини яратиш борасидаги интилишларнинг етишмаслиги ёшларда соғлом турмуш тарзига нисбатан носоғлом муносабатнинг шаклланишига олиб келаётганлиги кўзга ташланди.

9. Ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тавсаввурлар шаклланиши хусусиятларига кўра, жисмоний соғликни ҳис этишнинг шаклланиши, шарт-шароитга қараб конкрет жисмоний соғликни ҳис этиш услубининг намоён бўлиши, жисмоний соғломликни англашнинг, жисмоний ва руҳий жараёнлар орасидаги мантиқий боғлиқлик, абстракт жиҳатларини ажратишга доир тушунчаларни идрок этиш шаклланишига олиб келиши аниқланди.

10. Ёшларда соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантиришда психологик тренингларни қўллашда ёшларнинг ўз саломатлигига таъсир кўрсатиш самарадорлиги - оператив тарзда акс этмас экан. Аммо оила, маҳалла ва таълим тизими ходимларининг ҳамкорликдаги ишлаши, гуруҳий муносабатларни шакллантиришга ўз ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмаслиги кузатилди.

ТАВСИЯЛАР

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тўғри ва самарали ташкил қилиш учун қуйидаги шартларга амал қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- ўз саломатлигини психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва таъминлашга ҳаракат қилиш (соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунча, тасаввурга эга бўлиш ва уларга риоя этишга ўзини йўналтира олиш);
- турли стрессоген таъсирларга берилувчанликнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ўзини иродавий жиҳатдан йўналтира олиш, шу билан бирга, жисмонан ва руҳан толиқишга йўл қўймаслик;
- фаол жисмоний ҳаракат қилиш, чиниқиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга ўз “Мен”ини ишонтира олиш;
- ақлий ва жисмоний меҳнатни гигиеник талаблар асосида тўғри режалаштириш;
- психогигиена талабларига (ҳаддан ташқари асабийлашиш ва ҳаяжонланишнинг олдини олиш) амал қилиш;
- таълим муассасаси кун тартибидаги соғломлаштириш тадбирларини (машғулотгача гимнастика) мунтазам ўтказиш;

- таълим-тарбия соатлари жараёнида соғлом турмуш тарзига оид давра суҳбатлари ташкиллаштириш ва ўтказиш;

- ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида уларда: дўстона муносабат, руҳий барқарорлик, бағрикенглик (толерантлик), атрофдагилар ва яқинларига нисбатан ғамхўрлик ва муҳаббат психологиясини шакллантириш.

- таълим-тарбия жараёнида ёшларда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларининг ривожланганлик даражаси мезонларини аниқлаш бўйича доимий мониторингини олиб бориш.

- соғлом турмуш тарзи мазмунини англаб етишнинг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда ёшларда соғлом турмуш тарзига оид тушунчалар, унинг турли сатҳларини муайян ҳодиса сифатида босқичма-босқич шакллантириб боришни йўлга қўйиш.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

САИДОВ АЗАМАТ ИСМОИЛОВИЧ

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ МОЛОДЁЖИ О ЗДОРОВОМ ОБРАЗЕ ЖИЗНИ В СЕМЬЕ

19.00.05 - Социальная психология. Этнопсихология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора психологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.2.DS/P34.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	**Умаров Бахриддин Менгбоевич** доктор психологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Абдуллаева Шоира Хамидовна** доктор психологических наук, профессор
	Самаров Рустамжон Садриддинович доктор философских наук, профессор
	Муминова Лола Рахимовна доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	**Джизакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.P.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276-80-86; факс: (99871) 256-76-51, e-mail: tdpu kengash@edu.uz главный корпус Ташкенсткого государственного педагогического университета, 2-этаж, 4 зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована под № __). Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276-80-86; факс: (99871) 256-76-51.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 г.
(Реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2022 г.)

Г.Б.Шоумаров
Председатель Научного совета по
Присуждению учёных степеней, доктор
психологических наук, профессор

Х.А.Кодирова
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
кандидат психологических наук, доцент

В.М.Каримова
Председатель научного семинара при при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор психологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире внедряются в практику внедряются технологии повышения уровня психологического и физического здоровья населения, отказа от вредных привычек, превращения здорового образа жизни в повседневный образ жизни населения. Рост показателей таких пороков, как ведение нездорового образа жизни, а именно табакокурения, злоупотребления спиртными напитками, несмотря на реализацию мер, направленных на пропаганду здорового образа жизни и предупреждения такого среди молодежи, диктует необходимость формирования представлений молодежи о здоровом образе жизни в семье. Осуществляется систематическая работа по формированию здорового образа жизни в качестве устойчивой ценности, формированию сознательного отношения поколения к здоровью, внедрению крупных проектов в области медицины, педагогики и психологии.

В мировых масштабах осуществляются научные исследования по созданию новых моделей здорового образа жизни населения городов, особенно мегаполисов, защите молодежи от различных медицинских и социальных угроз, вредных пороков, в частности наркомании, токсикомании, алкоголизма, болезней ВИЧ, СПИД, повышению медицинской и духовной грамотности молодежи, полному соблюдению санитарно-гигиенических правил, восстановлению в обществе духовных ценностей. Вместе с тем, обращается особое внимание научным исследованиям в области расширения возможностей совершенствования социально-психологических механизмов формирования представлений и понятий населения, особенно молодежи о здоровом образе жизни в семье.

Проведен ряд исследований по духовному просвещению ивосстановлениюнравственных ценностей молодежи, профилактике ранних браков, повышению сексуальной культуры молодежи, четкому соблюдению санитарно-гигиенических норм, выявлению факторов, наносящих вред здоровью человека, в том числе чрезмерного использования информационных технологий. Результаты данного исследования расширяют возможности по совершенствованию социально-психологических механизмов формирования здорового образа жизни в сознании молодежи, особенно в семейной сфере.

В нашей стране в последние годы духовно-нравственное воспитание молодежи, разработка системы совершенствования на основе философского, психологического, педагогического, социологического подходов психологических механизмов формирования их представлений о здоровом образе жизни на основе принципов преемственности и непрерывности, дальнейшее совершенствование взаимного сотрудничества махалли, образовательных учреждений и институтов гражданского общества в формировании представлений молодежи о здоровом образе жизни принимая во внимание роли и значения образовательных учреждений и институтов гражданского общества в воспитании гармонично развитого поколения

рассматривается в качестве одного из актуальных проблем. Стоящих перед психологической наукой, и создаются нормативные основы проведения исследований в данном направлении. В качестве приоритетной определена задача «внедрить особую систему работы с детьми до 5 лет, женщинами фертильного возраста и беременными, людей с инвалидностью, граждан склонных к сердечно-сосудистым, онкологическим, эндокринным заболеваниям”[1]. Это расширит возможности выявления социально-психологических критериев и показателей формирования представлений молодежи о здоровом образе жизни в семье, изучения социально-психологических, территориальных, этнопсихологических факторов формирования представлений молодежи о здоровом образе жизни и формирования здорового образа жизни в семье, разработки механизмов формирования общественно-психологических представлений населения о здоровом образе жизни, психологических возможностей внедрения их в семьях.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, намеченных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-5924 «О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан» от 24 января 2020 года, №УП-6099 «О мерах по широкому внедрению здорового образа жизни и дальнейшему развитию массового спорта» от 30 октября 2020 года, №УП-6155 «О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения» от 3 февраля 2021 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4063 «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-нравственного развития информационного общества и демократического государства и пути их реализации.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[2]. Исследования в областисовершенствования философии, методологических и

---

[1] УказПрезидента Республики Узбекистан. О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения». №УП-6155. 3 февраля года. https://lex.uz/ru/docs/5260800.

[2] Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлялся на основе материалов Международной академии психологических наук (МАПН) (http://rusacademedu.ru); Сеульского национального университета, Seoul National University Centre for Health Systems Research, KOSHA (Южная Корея), JOICFP, JSHEP (Япония); School of Public Health and Primary Care, Peking Union Medical College and

методических основ здорового образа жизни молодежи в семье, разработки критериев и уровней его объективной оценки проводятся в ведущих высших образовательных учреждениях и научных центрах, как Seoul National University Centre for Health Systems Research, KOSHA (Южная Корея), JOICFP,JSHEP (Япония); School of Public Health and Primary Care, Peking Union Medical College and School of Public Health, (XXP); SOPHE, ERIC, AAPAC, NIH, NHC, NHIC, CAHA, CHHCS, Global Health Technologies Coalition, International Life Sciences Institute, HPRC; Database of Internet Resources in Public Health the Department of Health of England, BrightonUniversity, AYPH (Великобритания) и Федеральный центр здравоохранения, Центр исследований и практики гигиены, SDU (Россия).

В последние годы получен целый ряд научных результатов по проблеме развития представлений о здоровом образе жизни, в частности: разработана программа охраны здоровья молодежи с целью профилактики суицида среди молодежи, повышения уровня знаний о психическом здоровье(Seoul National University Centre for Health Systems Research, KOSHA, KASP); создан научный и методический материал по здоровому образу жизни, определены основы рейтинга здоровья по формирования представлений молодежи о здоровом образе жизни (JOICFP, JSHEP); скоординированы взаимно достижения традиционной и европейской медицины в формировании представлений молодежи о здоровом образе жизни, пропагандируются научные основы изменения отношения к своему здоровью каждой личностью благодаря физической культуре и спорту, восстановления и совершенствования ценностей здорового образа жизни в семье, (School of Public Health and Primary Care, Peking Union Medical College and School of Public Health); созданы стандарты здорового образа жизни (Healthy Lifestyle), охраны здоровья человека и укрепления здоровья (Health Promotion), психологии здоровья (Health Education), и усовершенствовано их психологическое содержание (SOPHE, ERIC, AAPAC, NIH, NHC, NHIC, CaHa, CHHCS, Global Health Technologies Coalition, International Life Sciences Institute,HPRC); разработана программа охраны здоровья, обеспечения благополучия, анализа изменений в молодежи (Database of Internet Resources in Public Health the Department of Health of England, BrightonUniversity, AYPH); разработаны социально-биологические социально-психологические и психолого-педагогические основы формирования представлений о здоровом образе жизни в аспекте социализации детей и подростков (Федеральный центр здравоохранения, научно-практический центр гигиены).

В мире проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям в области социально-психологических особенностей формирования представлений молодежи о здоровом образе жизни в семье: совершенствование психологических компонентов формирования

School of Public Health, (XXP); SOPHE, ERIC, AAPAC, NIH, NHC, NHIC, CAHA, CHHCS, Global Health Technologies Coalition, International Life Sciences Institute, HPRC; Database of Internet Resources in Public Health the Department of Health of England, BrightonUniversity, AYPH (Великобритания) и Федеральный центр здравоохранения, Центр исследований и практики гигиены, SDU (Россия).

